

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 4

«13 » декабр 2022 иил

Фаргона ш.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги хамда ўз низомига асосан фаолият юритувчи **Фаргона имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактаби** номидан директор У.Холматов (келгусида «БҮЮРТМАЧИ» деб аталади) биринчи томон ва иккинчи томон **“ZARXAL QURILISH MONTAJ 777”** Хусусий корхонаси номидан раҳбар И.Турсунов (кейинги ўринларда «ПУДРАТЧИ» деб аталади) ўрталарида қуидаги масадларда тузилди.

1. ШАРТНОМАНИ МАЗМУНИ:

- 1.1 «ПУДРАТЧИ» ўз кучи, асблори, механизмлари билан «БҮЮРТМАЧИ» Фаргона имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактаби биносини шартномага илова қилинувчи лойиха сметага мувофиқ тақдим этилган оферта хужжатларига асосан бинони жорий таъмирлаш ишларини амалдаги техник шартларга риоя қилган холда бинони жорий таъмирлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2 «ПУДРАТЧИ» тегишли лойиха-смета хужжатларига мос холда «БҮЮРТМАЧИ» томонидан жорий таъмирлаш ишларини келишилган вактда бажариш ва уни камчиликларсиз тўлиқ тайёр холда ўз муддатида «БҮЮРТМАЧИ»га топширишни ўз зиммасига олади.
- 1.3 «ПУДРАТЧИ» иш бажариш вақтида жорий таъмирлаш ишлари учун кетадиган қурилиш материаллари ва ишчи кучини ўз хисобидан ўзи таъминлайди.
- 1.4 «ПУДРАТЧИ» жорий таъмирлаш ишларини 30 иш кунида тамомлаш мажбуриятини олади. «ПУДРАТЧИ» томонидан қилинган ишлар якунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «БҮЮРТМАЧИ» ўзининг шу таъмирлаш ишларига бириткирилган ходимлари билан биргаликда қабул қилиб олади ва кабул қилиш топшириш далолатномаси тузилади.

2. ШАРТНОМАНИ БАХОСИ

2.1

№	Иш хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	ККС (15%)	Жами суммаси (ККС билан)
1	Фаргона имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактаби биносини жорий таъминлаш	Хизмат	1	608 260 869,56	91 239 130,44	699 500 000
Жами:						699 500 000

Жами сума суз билан: (Олти юзи туксон туккиз миллион беш юз минг) сум.

2.2 Шартнома баҳоси ўз ичига КМИ материаллар баҳоси тафовути олади.

3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

- 3.1 Ушбу шартнома бўйича «БҮЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» хисоб ракамига олдиндан 30% аванс тўловини ўтказиб беради.
- 3.2 Тулов шакли «ПУДРАТЧИ» томонидан Ф-2, Ф-3 хужжатларини тасдиклангандан сўнг, кабул қилиш топшириш далолатномаси ва хисоб фактурага асосан «БҮЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ»нинг хисоб ракамига тўғридан тўғри пул ўтказиб беради.

3.3 Шартнома бўйича охирги хисоб-китоб иш тўлиқ тамомлангандан сунг 5 - кунидан кечиктиримай «БУЮРТМАЧИ» томонидан амалга оширилади.

4.МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.1 «ПУДРАТЧИ» Ушбу шартномани I-булимида назарда тутилган ишларни 30 иш куни муддатда бажаради.

4.2 Ушбу шартнома 2022 йил « 13 » декабр дан 2022 йил « 31 » декабр гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, Фазначилик (бўлими)да рўйхатдан ўтказилгандан сунг хар иккиси хам қонуний кучга эга.

5.ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 «ПУДРАТЧИ».

5.1.1 Ўз кучи техника воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тула хажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха хужжатларидағи холатда ишларни «БУЮРТМАЧИ» га мёёрий хужжатлар талабига ва қоидалар асосида тошириш;

5.1.2 Обектга лойихага биноан бўлган материалларини конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб.бериш ва уларни кабул килиш тушириш тахлаш хамда саклашни амалга ошириш;

5.1.3 Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб килинадиган маҳсус ташкилотлар билан субподряд шартномани тузгани тўғрисида «БУЮРТМАЧИ» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.

5.1.4 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва обектни курилиши бўйича зарурй чоратадбирларни бажарилишини таъминлаш;

5.1.5 Обект сугуртасини амалга ошириш , агар назарда тутилган булса;

5.1.6 Бинони жорий таъмирлаш ишларида назорат органлари томонидан текширишда ортиқча килинган харажатлар аниқланса бу харажатлар «ПУДРАТЧИ» томонидан тўланади.

5.2 «БУЮРТМАЧИ».

5.2.1 Календар иш режаси белгиланган хажмда ва муддатда хажмни топшириш;

5.2.2 У шартноманинг I-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган микдорда ва муддатда «ПУДРАТЧИ»га хақ тўлаш;

5.2.3 «ПУДРАТЧИ» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 хафта ичida объектни кабул килиш мажбуриятларини олади.

6.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бўлганлиги учун айборд тараф бошка тарафга кечикирилган хар бир кун учун шартнома баҳосининг 0,5 % хисобида пеня тўлайди, лекин шартноманинг 2,1 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

6.2 Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошка мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган холларда айборд тараф бошка тарафга бой берилган фойданни кўшиб курган зарарни қоплайди.

6.3 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш хукукий бартараф этишдан озод этмайди.

7.ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши томонларнинг тасири ва истакларига боғлик булмаган вақтинча ёки узок вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга халакит берадиган вазиятлар содир бўлганда (яъни табиий оғатлар, нокулай об-хаво шароити хукумат тадбирлари хокимият органлари карорлари, харбий низолар ички тартибсизликлар) ва бошка холларла юкорида айтиб ўтилган холатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафида шартнома мажбуриятлари бузулган деб хисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари бу холатлар давом этиш вақтига сурилади .

7.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон дархол иккинчи томонни юкоридаги холатларнинг юзага келганлиги шунингдек бартараф этганлиги тўғрисида

хабардор килиши керак.

7.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки улар бартараф этилгани хакида ўз вақтида 1.5 кундан бўлган муддатда хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди.

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

8.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан пайдо бўлган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал килинади.

8.2 Агар келишмовчиликлар музокара йўли билан хал килиб бўлмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судида кўрилиши лозим будади.

9. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартнома хар қандай киритиладиган қўшимча ва ўзгартеришлар ёзма равишда расмийлаштириб хар иккала томон имзолаган холлардагина хакикий кучга эга бўлади.

9.2. «БУЮРТМАЧИ» қўйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

9.2.1 «ПУДРАТЧИ» нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан муддати 10 кунга ошиб кетганда.

9.2.2 «ПУДРАТЧИ» нинг шартнома шартларини бузиш натижасида лойиха кўрсатилган ишларни сифати пасайганда.

9.3. «ПУДРАТЧИ» қўйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

9.3.1 «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» га боғлик бўлмаган сабаблар бўйича бинони жорий таъмирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда:

9.3.2 «БУЮРТМАЧИ» томонидан лойиха хужжатларини ўзгартеришлар киритиш билан боғлик холда ишларни баҳоси 50% кунига камайганда.

9.3.3 «БУЮРТМАЧИ» томонидан кейинчалик курилиш, молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.4. «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» нинг биргаликдаги карори бўйича шартнома бекор қилинади. «БУЮРТМАЧИ» эса «ПУДРАТЧИ» га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар хажми кийматини тўлайди.

9.5. Шартнома бекор қилишга қарор қўлган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборилади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. «ПУДРАТЧИ» амалдаги тартиб ва коидалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 1 йил муддатга кафолат беради.

10.2. Хар иккала томон Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида фаолият кўрсатадилар.

11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

**Фарғона имкониятлари чекланган
шахслар учун ихтиослаштирилган касб-
хунар мактаби**


Адрес: Фарғона ш. П.Махмуд кучаси 23 уй
Тел./факс: +998901663344
ШХР:100010860304017092901079002
Бюджетдан маблаг олувчи СТИРИ:200151417
Газначилик номи: Фарғона ш буйича
газначилик булинмаси
Газна х/в: 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банк Тошкент ш.
ХККМ
МФО: 00014
Газначилик СТИРИ: 201122919
Рахбар:



У.Холматов

Хукукий хулоса.

**Номи: «ZARXAL QURILISH MONTAJ
777» Хусусий корхонаси**
Адрес: Олтиарик тумани Навбахор куч
Тел./факс: +998911298084
Хисоб раками: 20208000905105320001
МФО: 01131
Банк: Универсал банк Фарғона филиали
ИНН: 306600349
Код по ОКОНХ: 42142



Мен ушбу шартномани хукуқий экспертизадан ўтказдим. Мазкур шартномада кўрсатилган
муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatining
шартномавий ва хукуқий базаси тўғрисда"ги Конуни ва Фуқаролик кодекси билан тартибга
солинади ҳамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал этиши
тартиби юқорида зикир этилган қонунчилик таалабларига мос келади.

Хукуқшунос:

-
(фаилияси исми)